БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 199 (1977). | 8 октябрь, якшанба, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ШАҲАРЛИКЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИГИ

— Қаерга кетаяпсиз дўстим?
— Пискентга.
— Лекция ўқишгами?
— Йўқ, пахта теримига!
— Сизчи биродар, жуда шайланиб олибсиз.
— Йиғим-теримга, «оқ олтин» далаларига!

Хуллас, кимни учратманг, ким билан сўзлашманг фикри-зикри, ҳаёли пахтада! Бугун палон район қанча пахта топширибди, областимизчи, нега Пискент, Оржоникидзе, Янгийўл районлари суръатни бўшаштириб юбордилар? Мана шу саволлар ҳар бир шаҳарлик ватанпарварни чиндан ҳам қизиқтиради.

Чунки, шаҳарлик ўз областининг, жонажон республикасининг ватанпарвари. Агар республикамиз, областимиз пахта тайёрлаш планини бажарса, партиямиз съездига муносиб меҳнат совғалари билан борса, бу ҳар бир ватанпарвар шаҳарликнинг шон-шуҳрати, фахри. Шунинг учун ҳам ишчи, қурувчи, инженер-техник ходим, олим, санъаткор, хуллас ҳар бир касб эгаси теримда актив иштирок этиб, «оқ олтин» дурдоналарини Ватанимиз омборларига тезроқ топшириш учун жон қуйдириб далада ишлаяпти, пахтакорларга ёрдам бераяпти. Бу билан Ватанимиз моддий бойликлари мўл-кўл бўлишини, давлатимиз қудрати ошишини шаҳарлик ватанпарвар жуда яхши тушунади.

Агар сиз дам олиш куни эрта билан шаҳарни кезсангиз, ҳар бир завод ва фабрика, маданий ва илмий муассаса олдида турган қатор автобусларни, далага боғ бўлиб ихчам кийиниб олган йигит ва қизларни, ишчи ва зиёлиларни кўрасиз. Булар шаҳарлик ватанпарварлар. Улар ўзларининг қардошлик, иттифоқчилик бурчларини адо этиш учун пахтакор дўстларига ёрдамга кетаяптилар. Булар Тошкент, Чирчиқ, Янгиер, Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарларининг меҳнаткашлари, шаҳарлик азамат ватанпарварлар.

Тошкент шаҳар Октябрь районининг меҳнаткашларидан Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон районининг пахтакорлари беҳад миннатдордирлар. Райондаги социал-таъминот министрлигига қарашли ташкилотларнинг ходимлари шу кунга қадар 280 тоннадан ортиқ пахта териб бердилар. Шунингдек, «Шарқ гули», Сталин номли фабрикалар, 3-нон заводи ва бошқа ташкилотлар пахта йиғим-теримига уюшқоқлик билан чиқиб, колхозчиларга самарали ёрдам бераяптилар. Улар орасида 150—200 килограммга етказиб пахта тераётган чевар теримчилар оз эмас. Масалан 3-нон заводидан Қобил Исмоилов ва Шавкат Анваров ўртоқлар 200 килограммга етказиб, «Шарқ гули» фабрикасидан Шермуҳамедова Дилором, 1-тикув фабрикасидан Хван Надя 100 килограммга етказиб пахта тераётирлар. Шунингдек Ленин районидаги меҳнаткашлари Сирдарё, Бекобод, Янгиер ва Гулистон районлари пахтакорларига яқиндан ёрдамлашаяптилар. Улар теримда юксак уюшқоқлик, интизом ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Октябрь ва Ленин районларининг партия комитетлари шаҳарлик теримчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни дуруст олиб бораётирлар. Уларнинг уюшқоқлик билан ишлаши учун зарур шароитлар яратилган. Райком ходимлари шаҳарликлар ишлаётган колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиб, теримчиларнинг қандай ишлаётганлигидан хабардор бўлиб турадилар. Шаҳарлик теримчилар рағбатлантирилади, вақтни бекорга ўтказиб, пахтакорларга яхши ёрдам бермаётганлар танқид қилинади.

Ўтган беш кунликда колхоз ва совхозларга ёрдам беришда энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Октябрь районига область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди, Ленин райони меҳнаткашларининг эса яхши ишлаганликлари таъкидланди.

Аммо шуни айтиш керакки, айрим районларнинг партия ташкилотлари йиғим-терим ишларига яқиндан ёрдам бермаяптилар. Айрим ташкилотларнинг ходимлари далада хўжакўрсинга, қўл учида ишлаб жуда кам пахта тераяптилар, терим нормасини бажармаётирлар. Масалан, Гулистон шаҳридаги машина экскаватор станциясининг ишчилари (директори Ю. Жатько)дан 19 киши райондаги «Ленинский путь» колхозида пахта теряпти. Лекин ишчилар шаҳардан районга кеч чиқиб эрта қайтиб кетишлари ва иш соатидан унумли фойдаланмасликлари натижасида жуда кам пахта теряптилар. Ишчиларнинг бир кунлик терган пахтаси ўрта ҳисоб билан 19 килограмма тўғри келади. Шунингдек шаҳардаги авторемонт устахонаси (бошлиғи Ю. А. Шахпас)нинг ишчилари ҳам шу колхозда пахта термоқда. Булар ҳам уюшқоқсизлик кўрсатмоқда. Колхоз раиси Ўртоқ Қиличовнинг гапига қараганда, бу коллективни бошқарадиган кишининг тайини йўқ. Бўлмаса шу кеча-кундузда қийғос очилиб ётган оппоқ пахтадан тани жони соғ киши атиги 10—15 килограммгина терармиди. Бундай уюшқоқсизлик кўрсатаётган теримчилар бир томондан ўз корхоналари ишига зарар берсалар, иккинчи томондан колхоз ишига яхши ёрдам бермаётирлар.

Йиғим-теримнинг ҳал қилувчи палласи келди. Бунинг устига ҳаво ҳам қовоғини солиб, ҳосилингни тезроқ йиғиб-териб ол, деб турибди. Областимиз пахтакорлари шаҳарликларнинг актив ёрдамида йиллик планнинг ярмидан ортиқ пахтани териб давлат омборларига топширдилар. Партиямизнинг шонли XXII съезди очилишигача меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришайлик, йиғим-терим суръатини янада жадаллаштирайлик! Ахир вақт кутиб турмайдику! Ҳали ёғингарчилик, совуқлар бошланиб кетганидан кейин пахтани териш, тайёрлаш, қуритиш, топшириш ишлари анча қийинлашиб кетади.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, шаҳарлик ёрдамчи теримчилар, ишда зўр уюшқоқлик, юксак интизом намуналарини кўрсатайлик!

Шаҳарлик азаматлар, йиғим-терим ишларини тез ва уюшқоқлик билан ўтказишда пахтакорларга яқиндан ёрдам берайлик!

ҲАММА — ПАХТА ТЕРИМИГА!

ҒОЯТ КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

МОСКВА, 6 октябрь. (ТАСС). Бугун Н. С. Хрушчев Чита область. Шилка районидаги «Биринчи Май» колхозининг маккажўхорикор механизаторлари Алексей Лисичников ва Иван Сухановларга юборган хатида уларни маккажўхори етиштиришда эришган муваффақиятлари билан табриклади.

А. Лисичников ва И. Суханов КПСС Марказий Комитетига ўртоқ Н. С. Хрушчевга юборган хатларида юз гектар ернинг ҳар гектарида 1200 центнердан маккажўхори кўк пояси етиштириш ҳақида олган мажбуриятлари бажарилганлигини хабар қилдилар. Шу майдонда ҳар гектардан ўрта ҳисобда 1225 центнердан кўк поя олинди. Механизаторлар ўз ютуқларини партия XXII съездига совға деб ҳисоблайдилар.

Шаҳарликларга кўчма Қизил байроқ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олишда область колхоз ва совхозларига актив ёрдам бераётган Тошкент шаҳри ва область шаҳарлари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг 1 октябрдан 6 октябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Тошкент шаҳар **Октябрь районига** берилди (район партия комитетининг секретари **Нишонов**, район ижроия комитетининг раиси **Нормуҳаммедов**, район комсомол комитетининг секретари **Алиева** ўртоқлар). Бу район пахта теримига шаҳарликларни кўп жалб қилишга эришган, мавсум бошидан бери 6300 тонна ва ўтган беш кун ичида 2060 тонна пахта терган.

Тошкент шаҳар Ленин районининг (район партия комитетининг секретари **Содиқов**, район ижроия комитетининг раиси **Пискорская**, район комсомол комитетининг секретари **Сандволиев** ўртоқлар) пахта йиғим-теримида яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

Республикамизда пахта тайёрлаш қандай бораётир?

Андижон области 7 октябргача 55,50 процент, бир кунда 1,55 процент ,Самарқанд области —55,07, бир кунда —2,00, Сурхондарё области —52,59, бир кунда 1,51, Хоразм области — 51,36, бир кунда — 1,82, Тошкент области —50,55, бир кунда —2,12 ,Бухоро области — 48,65 ,бир кунда —1,67, Фарғона области —45,27, бир кунда —1,09 ва Қорақалпоғистон АССР 36,94 процент, бир кунда 1,56 процент пахта тайёрлади.

КПСС XXII СЪЕЗДИ шарафига

КПСС XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Суратда: (чапдан) Олмалиқдаги Олтинтопган мис бойитиш фабрикасининг флотатори Т. П. Шчербинина ва Тошкент тўқимачилик комбинати коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи В. Т. Пидинова ўртоқлар.

В. Баскаков ва В. Лейзерович фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Ёш техник Аббос Маҳмудов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар сменасининг иши ҳақида кимдан сўраманг фақат илиқ сўзлар, мақтовларни эшитасиз. Смена аъзолари ўз касбини пухта биладиган йигит-қизлар эканлигини, юриш-туришда касбдошларига ўрнак бўлишаётганликларини, партия XXII съезди шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётганликларини айтишади.

Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли буюмлар комбинати биринчи цехининг Аббос Маҳмудов бошчилигидаги бу сменаси корхонада қўшимча касблар ўрганиш ҳаракатини бошлаб беришди. Сменанинг барча ишчилари биттадан янги касб ўрганишди. Жўра Раҳимжонов, Д. Герасимова, Х. Салоҳиддинов ўртоқлар ва бошқа металлургларга ишлаш билан бирга, билим олишни ҳам давом эттиришаяпти.

Сменанинг кундалик ишлаб чиқариш кўрсаткичи 115—120 процентни ташкил этмоқда.

Г. ЯСТРЕБОВ.

КЕЛАСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Бу йил коллективимиз зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклатилган эди. Биз Оҳангарондан анча нарида бўлган Навгарзонда шахта қурилишини олиб боришимиз, у ерга борадиган йўлларни қуришимиз керак эди. Ишлаётган жойимизнинг тоғликдан иборат бўлиши ишимизни мураккаблаштириб юборди. Аммо аҳил, меҳнатсевар жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўрганган коллективимиз бу гал ҳам бўш келмади. Барча қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этдик.

Ҳамма касбдаги ишчиларимиз ўз олдиларида турган катта вазифани муваффақиятли бажариш учун дастлабки кунлардан бошлаб баракали меҳнат қилабошладилар. партия XXII съездини йиллик планни бажариш билан кутиб олиш ҳақида эл-юрт олдида берган въдаларининг устидан чиқишга астойдил ҳаракат қилдилар. Участка ва бригадаларда социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори номини олиш учун бошланган ҳаракат тобора кенгайиб борди. Қўлимизга топшириб қўйилган машина ва агрегатлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бердик. Бу тадбирлар ижобий самаралар бера бошлади.

Қурувчиларимиз дастлабки ойлардаёқ топшириқларни 140 процентга етказиб бажара бошладилар. Натижада йиллик топшириқни муддатидан 3.5 ой илгари бажариш мумкин бўлди.

Эндиликда ҳар бир қурувчи, ҳар бир инженер-техник ходим бу ютуқларни мустаҳкамлаш учун янада унумлироқ ишлаш, партиямиз XXII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқида социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Бинокорлар йил охиригача қўшимча равишда яна юзларча минг сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида меҳнат қилаётирлар.

Қ. АБДУЛЛАЕВ,
Оҳангарондаги Навгарзон қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг секретари.

АҲОЛИ УЧУН

Партия XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган Пискент районидаги сут заводининг коллективи меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Социалистик мусобақани кенг авж олдириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш туфайли ишлаб чиқариш топшириқлари ой сайин ортиғи билан адо этилаяпти. Коллектив 9 ойлик топшириқни ҳам муддатидан бир неча кун илгари бажарди ва пландагидан ташқари кўп миқдорда сут, қаймоқ, сариёғ, творог ва мороженое ишлаб чиқарди.

К. БУРИЕВА.

Қўшимча маҳсулот

7-ғишт заводлари бошқармасининг коллективи 9 ойлик планни муддатидан анча илгари ошириб адо этди. Пландагидан ташқари 500 минг донага яқин ғишт ва 20 минг дона черепица ишлаб чиқарилди.

Коллектив бундай ютуқларга илғор иш методларини кенг жорий қилиш, цехларни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш, кўп меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялаштириш ҳамда ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш туфайли эришди.

А. ЭШМАТОВ.

40 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Пахта йиғим-теримининг шу ғаниматдамларида Тельман номли колхоз пахтакорлари иш суръатини тобора тезлаштириш учун қизғин курашмоқдалар.

Ўртоқ Ҳамдам Султонов бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари ёз бўйи сидқидиллик билан меҳнат қилдилар. Мана, энди бу азаматлар пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортини бердилар. 60 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан «оқ олтин» сотилди.

Бу муваффақиятга эришишда, айниқса Гулсара Қўзибоева, Иззат Турсунова, Акбар Умурзоқов сингари пешқадам теримчилар катта ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳар бири шу кунларда 220—250 килограммдан пахта териб олмоқда. Бу азаматларнинг ҳозиргача терган пахтаси 10 тоннаданга етиб қолди.

Ўртоқ Султонов бошлиқ бригада аъзолари бундан кейин ҳам терим суръатини бўшаштирмасдан, КПСС XXII съезди очиладиган кунгача давлатга яна 60 тонна «оқ олтин» сотишга қатъий сўз бердилар.

Шу колхознинг ўртоқ Акром Исаев бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари ҳам давлатга пахта сотиш йиллик планини 100 процент адо этдилар.

Т. САЛОҲИДДИНОВ,
Т. ҚОСИМОВ.

Съездга совға

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг Т. Исмоилов бошлиқ бригадаси аъзолари жонажон партиямизнинг XXII съездига муносиб совға тайёрлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар 73 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан пахта ҳосили кўтаришга аҳд қилганлар.

Бригаданинг С. Улҳўжаева, Қ. Усмонова, А. Миралиева каби чевар теримчилари ҳозиргача хирмонга 8—9 тоннадан пахта тўкдилар. Аҳил коллективнинг ғайрати туфайли ҳар куни йиллик планнинг 4—5 проценти миқдорида пахта териб олинмоқда.

М. НОИПОВ.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Районлар ва бригадалар	Планнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ районидаги **«III Интернационал»** колхози. Раиси **Н. Нишонбоев**, партия ташкилотининг секретари **Аҳилбеков** ўртоқлар.	100,2
Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозининг ўртоқ **Тошматов** бошлиқ бригадаси.	102,2
Пискент районидаги Тельман номли колхозининг ўртоқ **Султонов** бошлиқ бригадаси.	102,0

ЕРДАМЧИЛАР ҲАМ ШУНДАЙ БУЛАДИМИ?

Сводкадаги бир рақам бизни ҳайратда қолдирди. Унда Мирзачўлдаги машина-экскаватор станцияси ходимларидан 19 кишининг бир кунда атиги 369 килограмм пахта тергалиги қайд қилинган эди.

— Шу ростми? — сўрадик колхоз раисидан.

— Рост бўлганда қандай, — жавоб берди раис, — бундай ёрдамчиларнинг фойдасидан нўра зиёни кўп бўлаяпти.

— Бошлиғи ким уларнинг?

— Тайини йўқ. Ҳар куни ўзгариб туради.

Шу ёрдамчилар ишлаётган картага бордик. Раснинг ўпналаганича бор экан Пахтазорда аллақачон иш қизиб кетган бўлишига қарамасдан машина-экскаватор станцияси ходимларидан беш-олти киши катта юк машинаси соясида хотиржамлик билан нонушта қилиб ўтиришибди.

Раҳбарлари ким бўлди?

— Мен, — деди ҳалиги кишилар ёнида турган кенг елкали, семизгина бир киши эринибгина. Хўш нима ишларинг бор?

— Кимнинг қанчадан пахта терганлиги билан таништирсангиз.

— Нима ҳам дейиш мумкин, — елкасини қисиб жавоб берди у, — айтишга арзимайди.

— Нега?

— Пахта йўқ, — жавоб берди у, — одамларимиз юғуриб юришади, шунинг учун кеча уларнинг ҳар бири 19 килограммдан пахта терди.

— Ахир, сизлар билан ёнма-ён ишлаган колхозчилар 50 — 60 килограммдан пахта теришибдику?!

— Улар колхозчи, — деб жавоб берди бошлиқ уялмай-нетмай, — биз бўлсак ишчилармиз. Қўлимиз пахта теришга яхши ўрганмаган.

— Ананьева ҳам сизларда ишлайдими, у 40 килограммдан ошириб пахта терибди-ку.

Кутилмаган бу савол МЭС директори ўртоқ Ю. Жатькони қизартириб қўйди.

— Энди, нима ҳам дейиш мумкин? — жавоб берди у, — ҳаракат килгандир-да.

Мирзачўл машина-экскаватор станциясининг ходимлари «Ленинский путь» колхозининг пахтакорларига ана шундай «ёрдам» бермоқдалар. Бу коллектив мавсум бошидан буён атиги 7500 килограмм пахта терибди. Ҳар бир кишига тақсимлаганда 15 — 16 килограммдан тўғри келади. Шу ҳам инсофданми, ахир!

Тошкент шаҳридаги гўшт комбинатидан келган шаҳарликларнинг ҳар бири 50—60 килограммдан пахта терсаю, шу Мирзачўлнинг ўзида ишаб, ҳар куни машинани овора қилиб колхозга келаётган МЭС ходимлари пахта йўқ деган баҳона билан ўзларини данга-саликка солишса, уят эмасми? Уларда тартиб-интизом йўқ. Ишчилар хоҳлаганларида пахта тершади, хоҳлаганларида эгат оралари тўп-тўп бўлиб ўтириб гап сотишади. Бу ҳол директор ўртоқ Ю. Жатькони сира ташвишлантирмайди.

Шу колхозда меҳнат қилаётган Мирзачўлдаги авторемонт устахонаси, 9-автобаза ишчилари ҳам колхозга худди ана шу хилда «ёрдам» бераётирлар.

Бу колхозда умуман терим суръатининг пастлигига яна шу нарса ҳам сабаб бўлаяптики, айрим бригадалар ҳаддан ташқари сусткашлик кўрсатмоқдалар. Масалан, колхознинг 7-бригадасида план эндигина 20 процент атрофида бажарилибди. Шунингдек 5-бригада ҳам оқсамоқда. «Ленинский путь» колхози далаларида бу йил минг гектар ерда пахта етиштирилди. Колхоз ўтган йили планни бажаролмаган эди. Шундай экан, бу йил барча имкониятларни ишга солиб, планни сўзсиз бажариш чораларини кўриши зарур.

ГУЛИСТОНЛИКЛАР, ҚАЧОНГАЧА СУДРАЛАСИЗ?

ПОЙГАЧИ ТАБЕЛЧИ

«Ленинград» колхозининг ўртоқ Ҳамзаали Анорқулов бошлиқ 8-бригадаси даласида ачинарли бир аҳволга дуч келдик. Соат кундуз бешга яқинлашаётган эди. Далада бригадир ҳам, табелчи ҳам кўринмайди. Кенг пахтазор ичида ондасонда теримчилар кўзга ташланади. Шу пайт рўпарадаги йўлдан беш-олти колхозчи аёллар ўтиб қолишди. Уларнинг ҳар бири бошларига 35 — 40 килограммдан пахтани ўйиб марказий хирмонга келишаётган эди.

— Терган пахталар даланинг ўзида тортиб олинмаяптими? — сўрадик аёллардан.

— Йўқ, — деб жавоб берди Соня Ҳолматова, — бир кун арава бўлса, бир кун бўлмайди. Мана, ўзимиз ташиб олиб боришимизга тўғри келаяпти.

Шу пайт ён томондаги йўлдан велосипедни учириб бир йигит ўтиб қолди.

— Табелчи ана шу бўлади, — деди биз билан бирга далага чиққан колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Рафиқов. — Пардавой, қани буёққа кел!

Табелчи йигит ҳалиги аёллар ёнидан велосипедни гизиллатиб ўтиб биз томонга келди. Партком уни койий кетди.

— Ахир, бу қанақаси, — деди у, — даланинг бошига тароза ўрнатиб, ўша ерда пахтани тортиб олишни уюштирсаларингиз бўлмайдими? Бу тартибда ишда унум бўладими.

— Мен қаёқдан билай. Аравакашимиз бор эди. Келмапти-да, — дудмал жавоб берди у.

Ўзингиз ўйлаб қаранг, қандай қилиб шу йигитни колхознинг жойкуяри деб бўлади? Ўзи-ку табелчиман деб пахта термас экан, бунинг устига ишни ташкил қилишга ҳам эътибор бермайди. Куни билан меҳнат қилиб чарчаган аёллар терган пахталарини бошларига ўйиб бир ярим километр йўл босиб, хирмонга етишаяпти. Ўртоқ Парда Усаров бўлса велосипедда кўча чангитиб юрибди.

Ана шунақа. «Ленинград» колхозининг бу бригадасилагина эмас, бошқа кўпгина бригадаларида ҳам меҳнат интизоми бўш. Шунинг учун ишда унум йўқ. Колхоз 1320 гектар ерда пахта етиштирди. Дастлабки кунлари терим жуда уюшқоқлик билан бошланди. Лекин авжи доли-зарб кунлар бошланганида суръат бўшашди. Дала ишлаётганлар учун шароит яратиб берилмаган.

Колхознинг 1, 3, 6-бригадалари планни 50 процентдан ошириб қўйганлари ҳолда, айрим бригадалар колхозни орқага тортмоқдалар. Масалан, ўртоқ Қурбон Бобошқов бригадасида 5 октябрга қадар план 14,1 процент бажарилибди. Бу ернинг пахтаси машинада теридади, дейишади раҳбарлар. Лекин машина теримига тайёргарлик талабга жавоб бермайди.

План бўйича колхозда 670 гектар ердаги пахта машинада терилиши лозим эди. Лекин раҳбарлар ана шу планнинг бажарилиши учун йил бошиданоқ астойдил курашмадилар. Ғўза баргини тўкишга келганда сусткашлик кўрсатилди. Машина теримига ажратилган ерларни ўт бостириб юборилди. Шунинг учун ҳам машина теримда унум бўлмаётир. Жами 10 та машина бор. Шу машиналар билан ҳозиргача 36 тонна пахта терилибди.

Шуниси ачинарлики, октябрь ойи бошлангандан буён ҳали бирор кун ҳам колхоз иккі процентга етказиб пахта тайёрламаган. Ҳамма вақт бир процентдан кам пахта терилаяпти. Бундай суръат билан узоққа бориб бўлмайди.

МАШИНАЛАР БЕКОР ТУРИБДИ

«Коммуна» колхозининг раҳбарлари йил бошида, фалон гектар ердаги пахтамизни машина теримига ажратдик, машина билан бу йил ўтган йилдагидан анча кўп пахта терамиз, деб ҳаммани ишонтиришган эди. Лекин эндиликда уларнинг сўзи билан иши тўғри келмай қолди. Колхоздаги мавжуд СХМ-48М пахта териш машиналари аллақачонок тўхтатиб қўйилган, бу машиналар тракторчиларнинг уйларида турипти. Қанчаданқанча маблағ сарфланиб ремонт қилинган машиналар эндиликда бекор турибди. Битта СХМ-48М машинасининг қисмлари бўлса тарқатиб юборилган.

— Нега бу машиналардан фойдаланмаяпсизлар?

— Ишнинг унуми йўқ, — деб жавоб беришди колхоз раҳбарлари.

Лекин бу баҳона бўлолмайди. Ишнинг кўзини билган илғор механизаторлар СХМ-48М машинасидан унумли фойдаланиб, ҳар куни бир ярим-икки ярим тонна пахта термоқдалар. Ҳамма гап шундаки, колхоз раиси Низомов ва унинг ўринбосари Наймиддинов ўртоқлар машина теримни менсимай қўйганлар. Машина теримига ажратилган ерларнинг бир қисми қўлда териб юборилди. Бунга Гулистон район партия комитети нима дейди?

Райондаги «Ленинизм», «Октябрь», Сталин номли, «Москва» колхозларида ҳам йиғим-теримда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам Гулистон райони пахтакорлари мавсум бошлангандан буён сводканинг энг охирида қолиб келмоқдалар. Қачонгача судраласиз. Ўртоқ гулистонликлар? Ахир, ҳозир измиллайдиган пайтми? Барча колхоз ва совхозлардаги ишчи кучлари ва техникани тўла сафарбар қилиб, районингизни қолоқликдан чиқариб олиш учун курашишингиз керак!

Т. УНАБОЕВ,
Н. РИХСИЕВ,
С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта териш суръатини сира бўшаштирмайлик!



Шу ғанимат дамларда Оржоникидзе районининг пешқадам теримчилари бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (чапдан) Киров номли колхоздан Мубарак Зокирова, Н. Мадумарова, «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Қиммат Абдуқодирова, Турсуной Умарова, Тожи Зокирова, Хрушчев номли колхоздан Хайитбу Усмонова, Жаннат Есенбоева, Ҳалима Тўхтаматова ўртоқлар. Бу чевар теримчиларнинг ҳар бири кунига 200—250 килограммга етказиб «оқ олтин» териб хирмонга тўкмоқда.

А. Абалян фотолари.

ОЧИЛ ДАСТУРХОН

Сайфиддин ака бизни ичкарига таклиф қилди.

— Мана бу ёққа киринглар, — деди у,—ҳозир сизлар кўрган чўчқалар энди 3 ойлик бўлди, бўрдоқига боқаётган жониворларимиз бу томонда.

Бинонинг ичкарисига кирдик. Ҳаммаёқ озода, саранжом. Чўчқалар группаларга ажратилиб, алоҳида-алоҳида майдончаларда боқилмоқда. Ҳар бир майдончада 30—40 тадан чўчқа бўрдоқига боқилади. Бу ерда автопоилка ва самокормушкалар ўрнатилган.

— Самокормушкалар жонимизга ора кирди, — дейди Сайфиддин ака.—Бир марта яхшилаб тўйдирилиб қўйса бўлди, анчага етади. Тўғри, илгаригига қараганда кўпроқ озуқа кетаяпти. Лекин шуниси ҳам борки, ҳар бир чўчқа кунига 400—450 грамм эмас, 600—650 граммдан семираяпти.

Совхоз бу йил 50 процент гўштни чўчқа гўшти ҳисобига топширади. Бунинг учун бўрдоқига боқишни яхши йўлга қўйиш билан бирга, чўчқалардан кўплаб бола олиш учун ҳам курашилмоқда.

Ҳозирги хомчўтга қараганда, бир центнер гўштнинг таннархи 60 сўмдан ошмайди. Нега деганда асосий озуқа — кўк ўт, лавлаги, беда совхознинг ўзида етиштирилади. Бундан ташқари тарвуз, қовун, бодринг чиқиндиларидан ҳам фойдаланилади. Қишда эса чўчқаларга силос, арпа уни берилади.

— Боя биз чўчқаларга лавлаги ювилмасдан берилаётганини кўрдик, бунинг сири нимада?

— Озуқа беришнинг бундай тартибини биз машҳур чўчқабоқар Жўра Султоновдан ўрганганмиз, — дейди Сайфиддин ака. — Ширали озуқа ювилмай, майдаланмай берилса, жониворлар уни ейиш учун кўп ҳаракат қилади, натижада иштаҳаси зўраяди. Ёшлигимда очил дастурхон ҳақидаги эртакни завқ билан эштардим. Ўзимча шу чўчқаларни ҳам очил дастурхонга ўхшатаман. Боқувини, парваришини ўрнига келтирсангиз гўшт дастурхонни жуда очиб юборади.

Сайфиддин ака бу касбга ўтганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу давр ичида анча тажриба орттирди. У фермага ишга ўтганида 150 бош чўчқа бор эди. Ҳозир уларнинг сони 8 мингдан ошиб кетди. Сайфиддин ака Муҳиддинов давлатга йил охиригача 1000 центнер гўшт етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятини бажариш учун астойдил меҳнат қилаётир.

М. САЛОҲИДДИН.
Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхози.

Пахта — миллий ифтихоримиз

7 октябргача

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	машина терими: Бир кунда	машина терими: Мавсум бошидан бери	Қоп-қанорсиз ташиш
Юқори Чирчиқ	2,66	95,73	2,44	31,50	42,5
Оржоникидзе	1,08	73,01	1,47	19,86	98,5
Қуйи Чирчиқ	3,76	64,79	3,77	55,48	60,6
Пискент	2,02	60,34	2,35	25,69	54,2
Ўрта Чирчиқ	2,15	56,02	1,92	24,63	43,2
Чиноз	2,45	54,04	1,56	19,38	56,1
Янгийўл	1,89	53,67	1,50	18,50	33,5
Бўка	1,73	48,51	1,91	27,10	46,5
Сирдарё	2,15	46,96	2,18	26,03	35,6
Янгиер	2,63	46,65	2,80	30,29	50,6
Оққўрғон	2,29	45,12	1,53	19,11	52,6
Комсомол	2,29	42,67	1,63	20,36	56,6
Бекобод	1,89	40,98	1,26	16,54	59,3
Гулистон	1,43	33,79	1,10	11,70	26,2
Область бўйича	2,12	50,55	1,92	23,66	48,3

ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ!

Навоий номли колхоз Чиноз районида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Колхоз пахтакорлари ўтган йили планни бажаролмай, доғда қолган эдилар. Улар ана шу доғни ювиш учун йил бошидан бери самарали меҳнат қилиб, пахтазорларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Хўш, ана шу мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш қандай бораётир? Бу саволга жавоб бериш учун район хўжаликларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотга бир назар ташлайлик. Навоий номли колхоз энг охирги ўринлардан бирида турибди. Ийе, нима бўлди ўзи, бу колхоз пахтакорларига? Нима бўлганини қуйидаги фактлардан очиқ-ойдин билиш мумкин.

Колхоз теримнинг дастлабки кунларида анча илдамлаб кетди. Лекин ҳозир бу хўжаликда пахта суръати сусайиб қолди. Тўғри, айрим бригадаларда ўрнак бўладиган ишлар қилинаяпти. Мана, масалан, ўртоқ М. Абдуламинов бошлиқ бригадани олиб кўрайлик. Бу бригада аъзолари 65 гектар ердан 25 центнердан ҳосил кўтариш учун курашишмоқда. Бригада айрим кунлари йиллик планнинг ҳатто 10 процентига миқдорида пахта териб олаяпти. Иккита «ХВС-1,2» агрегати далаларда шиддат билан ишлаяпти. Буларнинг бирини бригадирнинг ўзи бошқармоқда.

Аммо, ҳамма бригадаларда ҳам аҳвол шундай қувонарли эмас. Б. Ўсаров бригадаси планни эндигина 30 процентдан бироз оширди. Хўш, қолоқликнинг сабаби нимада? Бу саволга бригада бошлиги ўртоқ Ўсаров «ҳали пахтамиз очилмаган» деган важни кўрсатди. Йўқ, ўртоқ бригадир, бу гапингизга қўшилиб бўлмайди. Далаларингизда очилган пахталарнинг ҳисоби йўқ-ку! Ҳамма гап шундаки, бу ерда мавжуд 21 киши ўрнига кунига атиги 12-13 киши пахта теримида қатнашаётир, холос. Ҳар бир теримчи учун кунига 70 килограммдан пахта териш норма қилиб белгиланган. Бригаданинг ҳар бир аъзоси кунига тераётган пахта ўрта ҳисобда 40 килограммдан ошмаяпти.

Мана, ўртоқ Н. Азизов бошлиқ бўлган бригада. Бу ерда кунига терилган пахта 500—600 килограммдан ошмайди. Ўртоқ Азизов, ахир бу қулгили ҳол эмасми? 500—600 килограмм пахтани иккита илғор теримчи бир кунда териб қўяди-ку.

Ана шу камчиликлар колхозни орқага тортаяпти. Колхоз ҳозиргача давлатга пахта сотиш йиллик планини 40 процентдан салгина ошириб бажариб, область ва район даражасидан орқада қолмоқда.

Бу хўжаликнинг раҳбарлари йиғим-терим кампаниясининг ҳозирги ғанимат фурсатларидан унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш ва давлатга сотиш ишларини кескин даражада кучайтириб юборишлари ва бу соҳада пешқадамлик кўрсатаётган хўжаликларга етиб олиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Акс ҳолда бу йил ҳам план бажарилмай қолиб, колхоз шаънига катта доғ тушиши мумкин.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

„ОҚ ОЛТИН“ МЕҲРИ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп пахта териш иштиёқида ишлаётган азамат теримчиларимиз орасида область мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳам бор. «Оқ олтин»ни териб олишдек шарафли ишга озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшаётган бу ёш ватанпарварлар хизматидан пахтакор ота-оналар мамнун бўлишаяпти.

Сирдарё районидаги 11-мактаб ўқувчилари дарсдан сўнг «Малик» совхози пахтазорларига чиқиб, кунига 1,5-2 тоннага етказиб пахта теришга эришаётирлар.

Бу ҳақда бизга материал ёзиб юборган газетхон **А. Кўчаров** теримда бошқаларга намуна бўлаётган ёш ватанпарварларнинг номларини фахр билан тилга олган.

Шу райондаги 26-мактаб ўқувчилари эса бўш вақтларини «Биринчи Май» колхозида ўтказишмоқда. Газетхон **М. Темировнинг** ёзишича, қисқа вақт ичида ўқувчилар кучи билан 10 тоннадан ортиқ пахта териб олинган.

— Бўка районидаги мактабларда ҳам меҳнатсевар ёшлар кўплаб топилади, — деб ёзади газетхон **А. Эргашев.** — Биргина 19-мактаб ўқувчиларидан ташкил топган ёшлар бригадаси кунига 2-2,5 тоннадан «оқ олтин» термоқда.

Ҳаваскор мухбир **М. Зиёдуллаев** шу райондаги Калинин номли мактаб ўқувчиларининг меҳнат ютуқлари ҳақида хабар ёзиб юборган. Газетхон **Ю. Муқимбоевнинг** хабарида Комсомол районидаги Карл Маркс номли мактаб ўқувчиларининг мақтовга сазовор ишлари ҳикоя қилинади. Ҳаваскор мухбир **А. Умматовнинг** хабар қилишича, шу райондаги «Красний Восток» колхозида пахтакор ота-оналарга ёрдам бераётган 1-мактаб ўқувчиларидан ҳамма миннатдор. Улар партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунгача 20 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишган.

Калинин районидаги «Ленинизм», «XX партсъезд» колхозларининг аъзоларига ёрдамлашаётган ўқувчилар ғайрати тўғрисида газетхон **А. Эшматов,** фахрланиб ёзади.

Шунингдек, газетхонлардан **Н. Каримжонов, Қ. Тўлебоев** (Оржоникидзе), **Ж. Саримсоқов, У. Сафаров, П. Тожиев** (Ўрта Чирчиқ), **Қ. Азимов** (Янгийўл), **М. Муҳаммадиқулов, Қ. Саидинохунов, Х. Аҳмедов** (Оққўрғон), **Ж. Мамалатипов** (Гулистон), **Т. Имомов** (Чиноз), **М. Мирзиёров** (Бўка), **А. Дўсмуродов, С. Мустафоев, А. Рашидов** (Қуйи Чирчиқ), **Х. Андақулов** (Сирдарё), **Ф. Зиёдуллаев** (Бекобод), **Н. Баркашев, А. Искандаров** (Калинин), **Ю. Абдуалимов** (Комсомол) ва бошқалар редакциямизга юборган хабарларида ҳам ўқиб, ҳам ҳосил йиғим-теримида актив иштирок этаётган меҳнатсевар ёш ватанпарварларнинг ажойиб ишлари ҳақида ҳикоя қилишган.

ЯНА 10,7 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛАМИЗ

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг коммунист ўртоқ Ким Елена бошлиқ бригадасида 50 гектар пахта майдони бор. Бригада аъзолари партия XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, пахта йиғим-теримини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Бригаданинг Қодир Асроқулов, Зеби Йўлдошева, Ким Александр каби пешқадам теримчилари кунига 180 — 200 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Кеча ўртоқ Ким Елена бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 20,3 центнердан ҳосил йиғиб олиб, колхозда биринчи бўлиб йиллик планни бажардилар. Ҳали далада ҳосил кўп. Шунинг учун улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан яна 10,7 центнердан ҳосил йиғиб олишга, бу олинган қўшимча мажбуриятни партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилдилар.

Н. САМАТОВ

ҲАЛИМА

Ҳалиманинг кўзи зангори кемага тушди-ю, машинани бошқариб келаётган Зарифага маҳлиё бўлиб қолди. Қандай бахтли-я, деди у фикран. Шундай улкан машинани бошқариш менга ҳам насиб бўлармикин? Зангори кема дала шийпонига яқинлашган сайин Ҳалиманинг диққати янада кучайди. Ҳатто у қўлидаги пиёлани дугонасига чойи билан узатганини сезмай ҳам қолди.

— Чойни ичмабсан, Ҳалима?

Гулсаранинг саволи жавобсиз қолди. Гулсара Ҳалимани бу аҳволда ҳеч қачон кўрмаган эди. Шу сабабли ҳам у жим тураолмади.

— Сенга нима бўлди ўртоқжон, анқайиб қолдинг?

—Ҳалиманинг машинага ишқи тушган, — ҳазиллашди Шарифа. — Хушида ҳам, тушида ҳам машина.

— Рост айтасан, кеча тушимда «ХВС» ҳайдаб юрган эмишман!

Дугоналар қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

Мана, зангори кема ҳам етиб келди. Қизлар бир пасда машинани ўраб олишди.

— Неча бункер бўлди, Зарифа опа?

— Чамамда саккизта.

— Соат 2 га етмасдан-а? — ажабланиб сўради Ҳалима.

— Ишонмаяпсанми? — деди Зарифа. У Ҳалиманинг машинага қизиқишидан хурсанд эди. «Саккиз бункер-а!» Ҳалиманинг лаблари пичирлади. Ҳар қайси бункерга ўрта ҳисобда 300 килограммдан сиққанда ҳам қарийб икки ярим тоннага етаркан. Икки ярим тонна! Оғизда осон. Теримга эрта тонгда тушган эдим. Ҳозиргача бор-йўғи 125 килога етди. Демак, Зарифа опамдан йигирма марта камроқ пахта терибман. Машина деҳқоннинг дўсти деганлари шуда, ахир...

Ҳалима бу рақамларни бир-бири билан таққослар экан, унинг машинага бўлган қизиқиши янада ортар, машинадан кўз, узолмасди.

— Айтганча, қизлар, бу йил совхозимизнинг ўзида механизаторлар курси очиладиган бўлди. Бригадамиздан кимларни юборсак бўлади?— сўради Зарифа. Ҳалима бригадирнинг бу саволига, мени юборсаларинг, демоқчи бўлди-ю, аммо айтаолмади.

— Ҳалима борса яхши бўларди, — деди дугоналари.

Зарифа ХВС дан сакраб тушаркан, Ҳалимага юзланди:

— Ўзинг нима дейсан, Ҳалима?

— Лозим топсаларинг...

Ҳалима уйига хурсанд қайтди. Буни сезган онаси Ойша хола: ҳа, қизим, бугун бунча чиройинг очиқ, ҳаммадан кўп пахта терганга ўхшайсан? — деб сўради. Ҳалима онасини маҳкам қучоқлаб хўп десангиз айтаман, деди.

— Олдин айт-чи, нималигини билай.

— Мен механизаторлик ўқишига борадиган бўлдим.

—Ўқишга! Энди бир машина минмаганинг қолувди.

— Ўзи нима гап? — ҳайрон бўлиб сўради Пўлат ака эшикдан кириб келар экан.

— Қизингиз тиракторчиликка ўқишга борармиш.

—Товба!

Ҳалима отасининг одатини яхши билади. Пўлат акага гап ёқмаса товба дейди қовоғидан қор ёғилиб. Бундай пайтларда яхшиси Пўлат акага гапирмаслик керак эди. Шунинг учун Ҳалима узоқ вақтгача сукут қилди. Ҳалиманинг кўнглида бир-бирига зид икки фикр курашарди. Унинг дилини «умидсизланма Ҳалима, Турсуной опангнинг республика хотин-қизларининг II съезди кунларидаги сўзларини унутмаган бўлсанг керак. Бир вақтлар унга ҳам қиз болага машина минишни ким қўйибди, деб таъна қилганлар бўлганди-ку. Зарифа опанинг ўзи ҳақидаги сўзларини бир эсла-чи. У ўқишга бораман деганида онаси йиғлаган эди. Энди эса онаси ҳам, отаси ҳам, тенгдошлари ҳам хурсанд» деган фикр шод этса, иккинчи бир фикр уни чалғитарди: ота-онанинг розилиги билан бўлган ишга нима етсин. Ҳалима ана шу фикрлар гирдобида ғарқ бўлиб, алламаҳалгача ухлай олмади.

Ҳалима бугун онасидан ҳам барвақт уйғониб, далага йўл олди. У пахтазорга етиб келганида, Зарифа пўлат отининг ҳаракатлантирувчи қисмларини кўздан кечираётган эди. Зарифа кўрдики, Ҳалима ҳар вақтдагидек қувноқ эмас, кўзларида маюслик аломати сезилиб турарди.

— Кечаги гап пишадиган бўлдими?

— Қайда, отам билан онам розилик беришмади. Қиз болага машина миниш ярашмасмиш!

— Шунга хафамисан, — Зарифа ўзининг қадоқ қўлларини Ҳалиманинг кифтига оҳиста қўяркан, мийғида кулиб қўйди, — бугун кечқурун ойимни сизларникига юбораман, Ойша хола билан бир марта суҳбатлашсалар бас, ойинг албатта кўнадилар. Эртага ишларни барвақтроқ саранжомласам кечқурун ўзим ҳам сизларникига бориб қоларман.

— Жон опа! — Ҳалиманинг чеҳраси ёришди. Ҳалидан буён қўлида ғижимлаб турган фартуғини белига маҳкам боғлаб, пахтазорга шўйғиди...

Пўлат ака рози бўлишга бўлди-ю, энди қизим, ишнинг буёғи ўзингга боғлиқ, юзимизни ерга қаратмасанг бўлгани деб Ҳалимага икки оғиз насиҳат қилди. Ҳалима дадасини қаттиқ ишонтирди. Даладаги «оқ олтин»нинг сўнгги граммлари териб олиниши билан ариза ёзди.

— Яхши. Жуда хурсандмиз, — деди совхоз партия бюросининг секретари Ўртоқ Қосимов Ҳалиманинг аризасини ўқиркан. Келгуси йил совхозимизда 70 та терим машинаси ишлаши керак.

Ҳозир Сиз билан ҳаммаси бўлиб 11 киши ариза берди. Бизга ҳали жуда кўп киши керак. Айниқса хотин-қизлардан...

— Айрим дугоналаримни ўқишга тортмоқчиман. Баъзи бирлари билан ҳозирданоқ гаплашиб қўйдим.

— Жуда яхши қилибсиз синглим. Бу билан бизга катта ёрдам қилган бўласиз. Раҳмат.

Ҳалима партбюро секретари кабинетидан чиқиб тўғри дугонаси Гулсараларникига борди. Улар мириқиб суҳбатлашишди. Гулсаранинг онаси майли, мен нима дейман, ёлғиз эмас экансан, дугонанг Ҳалима ҳам борар экан-ку, деб қизининг ўқишига розилик билдирди.

Орадан икки кун ўтгач, Ҳалима билан Гулсара Файзинисоларникига боришди. Униси у деди, буниси бу деди, хуллас Файзинисонинг ойисини ҳам кўндиришди. Кунлар ўтган сайин қизларнинг сафи янги-янги «аъзо»лар ҳисобига кўпайди. Уларнинг сони 20 кишига етди. Дугоналар шу йилнинг 25 январь куни совхоз ҳузурида ташкил этилган механизаторлар курсининг дастлабки машғулотини завқ билан тинглашди. Эндиликда уларни кўрмоқчи бўлсангиз пахтазорга марҳамат!

Мана, этагини кўз илғамас пахтазор. Яшил барглар орасидан мўралаб турган лўппи момиқлар киши завқини қўзғатади. Теримчи йигит-қизларнинг, нуроний отаҳонларнинг ғайрат-шижоати, химмати баланд. Басма-басига меҳнат қилишаяпти. Ён томонидаги картанинг ўртасида сузиб бораётган зангори кемаларни айтмайсизми! Совхоз партия бюросининг секретари Маҳмуджон ака машиналар ишлаётган томонга ишора қилиб:

— Ҳалима Пўлатова ўша ерда бўлиши керак,— деди.

Чиндан ҳам Ҳалима ўша ерда экан. Бугдойранг, зуваласи пишиқ, юзлари қуёш тафтида қизарган бу қиз ХВС—1,2 машинасини эгатлар оралатиб борарди. Лўппи-лўппи очилган пахталарни хўплаб ўз дамига тортаётган машинанинг ишлаши кишига завқ беради. Бўлиқ ғўзалар машина барабанига урилиб билан барабан унинг ҳосилини чўткали барабанга, чўткали барабан эса сўргич-шамол ёрдамида қабул камераларига узатади. Минутлар-минутларга уланган сайин бункер «оқ олтин» билан лимо-лим тўлади. Ана, бункердаги момиқни қабул қилиб олиш учун прицеп ҳам етиб кетди.

Ҳалима бундай мураккаб машинани биринчи йил бошқараяпти. Аммо унинг ишлашини кузатган киши кўп йиллик тажрибаси бор механизаторларни эслайди.

— Айрим кишилар машинадан нолишади. Машина ғўзани поймол қилар эмиш! Бу нотўғри. Мана ҳозир бир нарсани кўрсатай. Кўп кишилар машинанинг барабанини ишлатишаолмайди. Натижада ғўзага, айниқса кўсакка зарар етказилади. Мен ишга тушишдан олдин барабанларнинг оралиғини қўздан кечираман. Бордию, барабаннинг оралиғи кичик қўйилса у кўсакларни зарарлантиради. Мен бунга йўл қўймайман. Аппаратнинг оралиғини кенгайтираман. Машинанинг юриш тезлиги ошириб юборилса, пахтанинг бир қисми қолиб кетади, исроф-гарчилик бўлади,— дейди Ҳалима.

Катта йўлнинг ўнг биқинидаги картада ҳам иккита ХВС — 1,2 машинаси сузиб юрибди. Буларнинг бирини Гулсара Ҳолдорова, иккинчисини Қўйдиниса Қодирова бошқараяпти.

Совхознинг 3-бўлимида ҳам машина билан пахта териш қизғин тус олди. Ҳув ана, Файзинисо Эргашева, Закия Аҳмаджоновалар ҳам ўз постида. Уларнинг қалбига биринчи бўлиб йўл очган Ҳалима эди. Область Советининг депутати, коммунист Ҳалима Пўлатованинг номини пискентликлар ҳурмат билан тилга оладиган бўлиб қолишди. Ахир, йигирма қалбга йўл очиш, 20 теримчи қизни машинага миндириш осонми!

Ҳалима Пўлатова бу йил машинада 250 тонна пахта теришга бел боғлаган. У ҳар куни хирмонга 3—4 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Ҳалиманинг дугоналари ҳам илғорликни қўлдан беришмаяпти.

Ҳалима ва унинг дугоналари ишини кузатар эканмиз, КПСС янги Программаси проектидаги «Юксак коммунистик онг, меҳнатсеварлик ва интизом, жамият манфаатларига садоқат — коммунистик жамият кишисига хос фазилатлардир» деган иборалар назаримизда Ҳалима ва унинг дугоналари — зангори кема капитанлари шаънига айтилгандек туюлди.

Б. ЭРҚОРОВ,
Пискент районидаги «Пискент» совхози.

Суратда: Ҳалима ПЎЛАТОВА.

Автор фотоси.

ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Адабиёт саҳифаси

Суратда: чапдан ёзувчи Одил Еқубов, вьетнам адиби Бан-Хъем Хрушчев номли колхоз 2-бригадаси теримчилари билан суҳбатлашмоқдалар.

БОР БЎЛИНГ

Хусанбой ота ҳар куни кечқурун қизи Насиба даладан қайтгунгача ҳам кўча эшикдан жилмайди. Гоҳ кафтларини ўсиқ қошлари устига қўйиб, гоҳ қўлини энгагига тираб йўл четига чўккалаганича унинг йўлига тикилади.

Бир куни нима бўлди-ю, Хусанбой ота кўча эшикда икки хуфтонгача қолиб кетди. Қизининг йўлига, «ана келаётгандир» деб кўз тикди, «мана келаётгандир» деб тикилди. Йўқ, қош қорайиб, ҳатто клуб томондан яқиндагина бошланган кино овози гулдираб эшитилабошлаган бўлса ҳам ундан дарак бўлмади. Ота отланиб, қизи Насиба пахта терадиган дала сари йўл олди...

У, улкан пахта карталарини оралаб ўтган йўлдан шошиб кетиб борар экан, устига оппоқ пахталарни тоғ-тоғ қилиб ортиб олган юк машиналари пункт томонга ғиззағизза учиб ўтишарди, очилиб ётган сонсиз чаноқлар эса ойдин тунда қордек оқариб кўринар эди.

— Пахтамиз бу йил нурини тўкди, кўз тегмасин, кўз — деди у ўз-ўзига. — Худди тугамас хазинага айланди-я, терган, ташиган билан охирига етиб бўлмайди унинг...

Узоқдан дала шийпонидаги чироқ кўринди. Бир тўда ёшларнинг шўх кулган овозлари отанинг қулоғига чалинди. Шундан кейингина унинг кўнгли бироз тинчлангандай бўлди. «Қизим шуларнинг орасидадир» деди яна ўз-ўзича.

Дала шийпонида эса у бир талай ёшларнинг ўз қизини ўртага олиб, уни қутлашаётганларнинг устига бориб қолди.

— Қандай қилиб тердинг бупи Насиба, — бир кунда 310 килоя, — дерди бир қиз.

— Ният қилгандан кейин, мавсумда 15 тонна «оқ олтин» тераман деб ваъда бергандан кейин. ғайрат қилган, терган-да! — у қизга жавоб қилади шериги.

— Пахталар шундай пишиб, шундай очилиб ётганида шундақа кўп термасак уят ҳам бўлади-да!

Ота шу гапларни эшитганидан кейингина қизининг нега далада кечикиб қолганлиги сабабини англади. Кўкрагини енгил бўшатиб, қаддини кўтарди...

Йигит ва қизларга бугунги терим зафари бахш этган шодлик ва фахр хисларининг чегараси йўқдек эди.

Ахир улар эрта баҳордан бери колхознинг салкам уч минг гектарга етиб борадиган улкан пахта далаларида ваъдадагига муносиб ҳосилни етиштириш учун озмунча меҳнат қилдиларми!

Эрта баҳорда чигит маржонини она ер кўксига тиқдилар. Икки чин япроқ тупроқдан кўксини ёриб, қуёшга талпинган илк кунларданоқ унинг бошида парвона бўлдилар.

Универсалларнинг кечаси-ю-кундузи тинмай далада жавлон урганлари-ю, турли гўза кушандаларига қарши олиб боришган курашларининг қайси бирини айтасиз. Мана, шундай мардона меҳнат зое кетмади, далаларида Ватанга ваъда қилингани — гектар бошига 30 центнердан пахта бериш ҳақида олинган мажбуриятини ошиғи билан қоплайдиган даражада ҳосил етишди. Ҳа, қадрдон далалар мислсиз хазинага айланди. Энди уни гўё кўкдан миллионлаб юлдузларни битталаб тергандек териб олиш палласи келди. Мана қучоқлар ҳам тўлаяпти, қоп-қанорлар ҳам, хирмонлар ҳам тўлиб-тошиб кетаяпти. Бу дурларни кўриб, териб қувонмай, фахрланмай бўладими ахир.

Мана, Хусанбой отанинг қизи Насиба колхознинг энг донгдор теримчиларидан бири—кўпмингкилограммчи Ғани Риҳсибоев билан мусобақалашган экан. Қиз ва йигитлар Ғанини ўртага олишиб, Насиба сендан ўзиб кетди, ҳаракатингни қилмасанг, ютқазиб қўясан, дейишаяпти.

Ғани эса кулиб:

— Бу учқурга етиб бўларми-кин, — деяпти.

Шийпонни тўлдирган ёшларнинг эса қийқириғи, шавқи-завқи авжига чиқаяпти.

Ота қизи Насибанинг олдига ўтди-да:

— Болам, энди юр уйга кетақолайлик, вақт ҳам алла палла бўлди, — деди.

— Ие ота, сиз овора бўлиб келдингизми, — деди Насиба, — мен пахтани кўзим қиймай, кечаси шийпонда ётиб, эрта билан барвақт туриб терай деб қолиб эдим...

— Шундайми қизим, — деди ота. Бу ердаги ёшларнинг ғайрат ва ҳаяжони унинг ўзининг қалбига ҳам гулув солиб қўйган эди.

Шу кундан бошлаб Хусанбой отанинг ўзи ҳам далада қолди. У қизи Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг ўнбешминг килограммчи донгдор теримчиси Насиба Хусанбоеванинг ёнида пахта теришга киришди. Насиба ҳар куни хирмонга 300-310 килограммдан «оқ олтин» тўкса, ота кучига яраша 40-50 килограммдан пахта тўка бошлади.

Биз бу воқеани яқинда Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга борганимизда эшитган эдик. Раис Эшонали Авазов колхоз аъзоларининг пахта йиғим-терими авжи қизиган шу кунларда кўрсатаётган жонбозликлари ҳақида ҳикоя қилар экан, Хусанбой ота ва унинг қизи Насибанинг эл ишига қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлаган эди...

Колхоздаги юзлаб Насиба ва Хусанбой оталарнинг, қуту-баракатимиз манбаи, тинчлик ва шавкатимиз дурдонаси бўлган пахтамизни тез териб олиш, КПСС XXII съездига муносиб совғалар билан бориш учун бел боғлаганларнинг ғайрату-матонатига қойил қолдик.

Ҳосил денгизингиз
Амудек тошсин!
Хирмонингиз бўйи Памирдан
ошсин!
Бор бўлинг даламиз
қаҳрамонлари!
Бор бўлинг ўлкамиз шараф-
шонлари!

Шотурсун ҒУЛОМОВ.

МИРИШКОРЛАР

Соч-соқоли пахтадай оппоқ, кенг яғринли, барваста мўйсафид кўк отни йўрғалатиб уватга келиб тўхтаб ва анча нарида эгат оралаб пахта тераётган қизларга қараб:

— Ҳормангдар қизларим! — деди.

— Бор бўлинг отахон, келинг,—дейишди қизлар бир овоздан.

Қизлар билан сўрашган мўйсафид 2-бригада бошлиғи Ортиқали ака Ҳатамов эди. У, эгини узангига тираб, от устидан сал кўтарилиб, қизларни кузатди, сўнг ҳаммадан олдинда пахта тераётган, оқ кўйлак кийган қизга қараб сўз қотди:

— Шаҳодат, ёнингда пахта тераётган ким. Домабу эмасми?

— Ҳа, ойимлар,—деди лиммолим тўлган этакдаги пахтани қанорга бўшатаётган қиз. У, бўшаган этагини белига қайта маҳкам боғлар экан, ойисига ялт этиб бир қаради, ва аста жилмайди.

Домабу опа уялганидами, ёки қизи жавоб бергани учунми, эгатдан бошини кўтармай пахта терар эди.

— Домабу, энди бўш келмайсиз, ҳозирги ишнинг моврити шуни талаб қилади. Қизингиздан орқада қолманг.

Кўринишидан бақувват-бардам, ўрта ёшли аёл қаддини сал кўтариб, аввал бригада бошлиғи билан сўрашди ва кейин:

— Хўп бўлади,—деди.

Ортиқали ака отнинг жиловини хирмонга бурди.

Бригада бошлиғи табелчини топиб, бригада аъзоларининг рўйхатидан ҳар бир теримчининг терган пахтасини кўздан кечирди.

— Қоп-қанор ва этаклар етарлими?—деб сўради у табелчидан.

— Мана, кўринг, етиб-ортади,—деди табелчи хирмон четида уюлиб ётган қанор ва этаклари кўрсатиб.

Ортиқали ака қуритилган пахтани қоплашда ва уларни тайёрлов пунктига жўнатишда ёрдам берди. Енг шимариб бир пастда икки-уч қоп пахтани шиббалаб қўйди. Бригада пахтасини ортган машина йўлга чиққанидан кейин Ортиқали ака теримчилар ёнига келди.

Бригада бошлиғи эгат оралаб борар экан, ҳаммаёқда ғуж-ғуж очилиб ётган мўл пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишни ўйларди. Ҳозирги вақтнинг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси қимматда, ахир.

Мана, бригада аъзоларининг рўйхати. Унда 85 киши ҳисобга олинган. Теримда етмишга яқин киши қатнашмоқда. Қолганлар эса пахтани жўнатиш ва топшириш иши билан банд.

Ортиқали ака қизлар ишини кузатиб, уларнинг ғайратидан мамнун бўлиб бораради. Мана, бошига қизил дурра ўраган Санобар Мирзоқамбарова. У, комсомол аъзоси, бригаданинг энг ёш аъзоларидан. Лекин бригада аъзолари уни қурматлайдилар. Санобар кеча 200 килограммга яқин пахта терди. Бугун эса икки юз килодан ортиқ пахта тераман деб, зўр ғайрат билан ишламоқда. Унинг ёнида сочини бошига чамбарак қилиб олиб, икки қўллаб пахта тераётган лобар қиз Лола Хусанбоева ҳам бригаданинг илғор теримчиларидан ҳисобланади. Лола комсомол аъзоси. Комсомол ишда, кундалик ҳаётда бошқаларга намуна бўлиши керак-да.

Лола ўз тенгқурларига намуна бўлишни ўйлайдими-йўқми, лекин унинг кундалик тераётган пахтаси ҳаммага намуна бўларли эди. Бу чечан қиз ҳам худди Санобар каби икки юз кило ва ундан ошириб пахта термоқда. Қўли гул қизларнинг ғайрату-химмати ана шундай.

Долзарб кунларда аҳду-паймон хирмонлар вазни билан ўлчанади. Колхоздаги 9 та бригаданинг ҳаммасида ҳам пахта йиғим-терими-нинг жўшқин моврити бошланган. Суръатга-суръатни улаб, бугун кечагидан ва эртага бугунгидан кўпроқ пахта тайёрлаш иштиёқи ҳамманинг ўю-хаёлини банд этган.

Ортиқали ака бошлиқ бригаданинг теримчилари ҳар куни хирмонга планнинг 3-4 процента миқдорида пахта тўкмоқдалар. Бригаданинг улкан хирмонини кўтаришда не-не азамат теримчилар куч синамаяптилар дейсиз. Лекин шунга қарамай, суръатни тезлаштиришда Ортиқали ака бригадасидан ўзиб кетаётган бригадалар ҳам кўпайиб бормоқда. Улар колхоз «Ҳурмат тахтаси»да биринчи ўринда туриб келган 2-бригаданинг олдига ўтиб олмоқдалар. Ортиқали ака правление идорасига келса ана шу пешқадамлар рўйхатини кўриб индамай қолади ва «нимага кейинда қолаяпмиз» деб ўз-ўзига савол беради.

Мана, Ўсар Жўраев бошлиқ бригадани олиб кўрайлик. Йиллик планни бугун-эрта бажариш олдида турипти. 200 гектарга яқин ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш пайида бўлган бу илғор бригада аъзолари албатта ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

Мамат Камолов бошлиқ бригада ҳам ишни дўндириб, ҳаммани қойил қолдирмоқда. Бу бригаданинг азамат теримчилари йиллик планнинг 80 процентига яқин пахтани йиғиб-териб, давлатга топширдилар.

Илғор бригадалар, звенолар, теримчилар Хрушчев номли колхозда кун сайин кўпайиб бормоқда. Пешқадамларнинг кўпайиб бориши учун колхоз далаларида катта замин тайёрланган. Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилган. Колхоз даласининг қайси бир бурчагига борманг «оқ олтин» чаманига дуч келасиз.

Шунинг учун ҳам Ортиқали ака теримчилар рўйхатини қўлда тутиб, хирмонга топширилаётган пахтанинг тош-тарозисига кўз-қулоқ бўлиб турмоқда. У, дала айланиб, ҳар бир картанинг ҳосилини аниқлаб, бугун ва эрта қилинадиган ишларнинг режасини тузиб юрипти. Ҳаммадан ҳам бу кекса бригадирнинг қалбини теримчиларнинг иш унуми банд қилиб олган.

Вақт кутиб турмайди. Баъзи кунлари ҳаво айниб, булутнинг салқин-сояси пахтазор устидан сузиб ўтмоқда. Бу ҳол пахта йиғим-теримини бир кун ҳам бўшаштирмасликни талаб этмоқда. Ҳозир ҳамма куч далага, юртнинг катта хирмонини кўтаришга сафарбар этилиши керак.

Колхоз раиси Ҳамроқул ота Турсунқулов биз билан суҳбатда бир вақтлар шўралик, тиконлик дашт бўлиб ётган бу паст-баланд адрларда катта коллектив хўжалик аъзоларининг куч-ғайрати билан ажойиб мевазор боғлар, юқори ҳосилли пахтазорлар пайдо бўлганлигини айтди. Ота колхозда бу йил 1515 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилинганлигини билдирди. Колхоз далаларида ана шу аҳдга яраша мўл пахта ҳосили етиштирилган.

Ҳа, колхоз ерларида, миришкорлар даласида мўл пахта ҳосили етиштирилган ва бу мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш учун чинакам кураш бормоқда. Гигант колхознинг азамат кишилари ҳар куни давлатга 3-3,5 процент миқдорида пахта топширмоқдалар. Колхозчилар пахта тайёрлаш йиллик планини партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун, социалистик мажбуриятни эса Октябрь байрами кунигача бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз аъзолари она-Ватанга берган сўзларининг устидан чиқиш учун кенг далаларда етиштирилган мўл пахта ҳосилини пешма-пеш йиғиб-териб олмоқдалар. Улар терилган «оқ олтин»ларни тайёрлов пунктига жўнатиб, маррага тезроқ яқинлашиш учун, жонажон партиямизнинг тарихий съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Миришкорлар даласида қизғин меҳнат тобора авж олмоқда.

Н. ЭҒАМНАЗАРОВ.

Шу кунларда диёримиз далаларида пахта йиғим-терими тобора авж олмоқда. Элу-юрт ўзини мўл-кўл «оқ олтин»ни жадал териб олишга сафарбар этмоқда. Бутун халқимиз каби республикамиз ёзувчилари ҳам колхоз далаларига чиқиб, пахтакорларнинг ватанпарварлик ишлари ҳақида оператив материаллар ёзмоқдалар. Яқинда ёзувчиларимиздан Ғайратий, Ҳабибий, Темур Фаттоҳ, Саид Аҳмад, Одил Еқубов, Назармат, Шотурсун Ғуломов, Азиз Абдураззоқ Янгийўл районидаги Ленин номли ва Хрушчев номли колхозларда бўлдилар. Биз қуйида ёзувчиларнинг шу колхозларда пахта йиғим-терининг бориши ҳақида ёзган материалларини босамиз.

ҚАРЗДОРМИЗ

Инсон ҳаётини денгиз билан солиштирсак, бир кунни шу денгизнинг бир қатрасига ўхшатиш мумкин. Лекин бир қатра сувда бутун бир олам акс этганидек, шу улуғ айём чоғларида колхоз далаларига бир кун чиқиб, азамат пахтакорларнинг суҳбатида бўлиб, меҳнати, орзу-умидлари билан танишиб келган киши бутун Ўзбекистоннинг бугунги жўшқин ҳаётини тасаввур этиши, бугунги қайноқ нафасини ҳис қилиши мумкин.

Янгийўл районининг Хрушчев номли колхозида биз пахтакорлар стахони Ҳамроқул отанинг суҳбатида бўлдик. Назаримда ниҳояти бир-бир ярим соат давом этган бу суҳбат пайтида бугунги ва ўтмиш ҳаётимиз ҳақидаги тасаввурларим бениҳоят кенгайиб кетгандай туюлди менга.

Биз колхоз миришкорлари барпо этган ажойиб боғларни бориб кўрдик. Ота бизни асал мазасини берадиган ҳусайни ва олмалар билан меҳмон қиларкан, бир маҳаллар «Шўралисой» деб ном чиқарган бу чўлларда шундай кўркам боғлар яратган соҳибкор боғбонлар тўғрисида жуда кам ёзилаётганига имо қилди.

Дарҳақиқат, халқимиз таъбири билан айтганда қўли гул бу одамлар, ажойиб боғбонлар тўғрисида қанча-қанча китоблар ёзсак арзийди... Биз балким асарларимизни ўқимишли қилиш учун ясама конфликтлар ўйлаб топамиз, қаҳрамонларимиз олдига сунъий қийинчиликлар, ғовлар қўямиз. Ҳолбуки ҳаётга чуқур кириб борадиган бўлсак бунга ҳеч бир эҳтиёж қолмас эди. Ахир шу кечаю-кундузда бу колхозга келиб-кетаётган америкалик пулдорларни ҳам ҳайратга солаётган бу боғлар осонликча барпо бўлмаган-ку? Уларни яратиш учун қанча куч, ирода, сабр-тоқат лозим бўлдийкин? Қанча-қанча пешона тери тўқилдийкин? Ҳамроқул отанинг ўз ҳаёти-чи, унинг кўп йиллик меҳнати, машаққатли кураш йўли-чи?

Бунинг ҳаммаси ажойиб бир романга замин бўлаолмайдими? Албатта бўлади!

Боғдан колхознинг 2-бригадасига ўтдик.

Биз белбоғдан келадиган ва оппоқ очилган бўлиқ ғўзалар орасидан юриб, иккинчи звено пайкалларига бордик. Звено бошлиғи юзи қуёшда қорайиб кетган озғин йигит одатда бериладиган:

— Энг илғор теримчингиз билан таништиринг, деган саволимизга:

— Буларнинг ҳаммасиям илғор, — деди. Эгат оралаб пахта тераётган бир тўп қизларни кўрсатиб.— Ана, Муҳаббатхон Неъматова, бу-ёқда Шаҳодатхон Жўраева, нарёқда тераётган Ойтўти Нурматова, Рўзибуви Абдурашидова бўладилар... Қайси бирини суратга оламан десангизлар, ихтиёр ўзларингизда. Ҳаммаси ҳам яхши қизлар...

Звено бошлиғи ёш йигит эди. Лекин у «яхши қизлар» деганда фақат уларнинг ҳусн-жамолидан эмас, балки меҳнатсеварлиги, камтарлиги, ақл-идроклари, матонати ва яна кўп олижаноб фазилатларидан қойил қолиб шундай деяётгани сезилиб турарди.

Йигитнинг бу гапини эшитганимда, айниқса бизларни ўраб олган қизларнинг уятчанг юзларини кўрганимда бояги фикр кўнглимдан яна бир бор ўтди: қани энди имконият бўлсаю, бу ажойиб қизларнинг ҳар бири тўғрисида бир ҳикоя ёки бир очерк ёзсак. Ажабо: худди шундай ўйлар бундан бир ой муқаддам Бағдод пахтакорлари билан учрашганимизда ҳам хаёлимга келган эди.

Кечқурун, қош қорайиб қолганда Ленин номли колхозга бордик.

Электр чироқларидан худди маданият саройидай чароқлаб кетган идорада одам гавжум эди. Табелчилар пахтакорларга тарқатиш учун пул олар, бригадирлар ҳисоб берар, бухгалтерлар чўтларни чақ-чақ қилиб, топширилган тонналарни ҳисоблар эдилар. Қоғоз саҳифалари оддий рақамлар билан тўлиб борар, бу рақамлар жатта колхоз оиласининг зўр меҳнатини кўзгудай акс эттириб, давлатга 8400 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган улкан хўжаликнинг азму-қудратини кўрсатарди.

Пахтанинг асосий қисми съезд очиладиган кунгача териб олинади. Колхоз пахтакорларининг съездга қиладиган ҳадъяси шундан иборат бўлади.

Съездга ҳадъя,
Съездга туҳфа!

Бу сўзларни ўша куни эҳтимол юз марта эшитган бўлсак. Биз бу сўзнинг устидан чиқиш учун кеча-ни-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилаётган ажойиб одамларни кўрдик. Бу одамлар тўғрисида қанча ёзсак ҳам оз! Уларнинг олдида доим қарздормиз!

Одил ЕҚУБОВ.

Суратда: Лола ҲУСАНБОЕВА (чапда) ва Санобар МИРЗОҚАМБАРОВА.

Янгийўлга борган эдик. «Оқ олтин»имиз бирам очилибдики, кўриб баҳри-дилимиз очилди. Илҳом билан ушбу шеърни ёздим. Уни пахтазорнинг азамат теримчиларига бағишлайман.

ТЕРИМЧИЛАР

Ажаб Янгийўл пахтага кон экан,
Эли зўр миришкору, деҳқон экан.
Баҳодир қизил юзли колхозчилар
На иш қилсалар юз қилур юзчилар.
Сочилган «оқ олтин» бўлиб ер юзи,
Ёйилган каби ерга кўк юлдузи.
Планни тутиб кўзда суръат билан,
Улуғ бурчимиз деб муҳаббат билан,
Этаклаб «оқ олтин»ни термоқ иши,
Юракларда кўп ғайрату-хоҳиши.
Ҳавога учар қуш каби ялласи,
Чевар қизлар айтганда иш палласи.
Ғанимат билиб кузни ёшу-қари
Маҳоратда зар илмининг заргари.
Улуғ юз билан юзларни оқ этар,
Муқаддас тилакларга сўзсиз етар.
«Оқ олтин» билан грузовойлар тўлиб
Пайдар-пай ўтар катта карвон бўлиб.
Заводларда олтин бўлиб тоғ-тоғ,
Ватан халқининг кўнгли равшан чироғ.

ҲАБИБИЙ.

«Оқ олтин» далаларида фидокорона меҳнат қилаётган теримчилар, механик-ҳайдовчиларнинг қаҳрамонона меҳнатини тараннум этмай бўладими. Шеърим шуларга аталган.

АҲДИМИЗ

Саҳий куз кўрки бу тўкин, жилвадор,
Инсон меҳнатидан олмиш олтин ранг.
Водийда оқади ҳар оқшом — наҳор,
Фаровон ҳаётнинг ғурури — оҳанг.
«Оқ олтин» мавжида зангори елкан,
Сайр этар худудин кўзлар илгамас.
Бу қудрат-идрокнинг тимсоли экан,
Хирмонлар уюлур ҳар дам-ҳар нафас.
Сочилиб қолмагай кузнинг бисоти,
Меҳнат самараси киражак қўлга.
Пахта бу ўзбекнинг фахри, қаноти,
Етказар саодат ва порлоқ йўлга.
Бўлажак съезднинг илҳом нафаси,
Тўқ турмуш бойликнинг гарови демак.
Маррага етмак бу ҳар кўнгил саси,
Аҳдини бажарар пахтакор бешак.

ҒАЙРАТИЙ.

Суратда: Насиба ҲУСАНБОЕВА ва Ғани РИҲСИБОЕВ.

А. Абалян фотолари.



Тошкентимизнинг кўрки, ғурури бўлиб қолган Чиланзорда қурилишлар бир дам ҳам тинмай давом этмоқда. Массив тобора кенгайиб бормоқда. Ирик панелли тайёр уйлардан бунёдга келаётган кўп қаватли турар-жой биноларини қурувчилар жуда тез қўлдан чиқаришмоқда. Катта-катта уй-жой кварталлари қисқа вақт ичида фойдаланишга топширилаётир. Сиз суратда кўриб турган мана бу турар-жой бинолари ҳам ҳадемай, ўнлаб ишчи-хизматчи оилаларини ўз қучоғига олади.

А. Палехов фотоси.

ЯНГИ ПЛАКАТЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг тасвирий санъат бўлими КПСС XXII съезди шарафига қишлоқ хўжалигига оид бир неча плакатларни чиқарди. Плакатларнинг тематикаси ранг-баранг бўлиб, уларда донгдор пахтакорлар, моҳир сут соғувчилар, чўчқабоқарларнинг ҳаёти, уларнинг иш тажрибалари акс эттирилган.

Рассом Махотиннинг «Меҳнат ғалабаларимиз съездга совға» деган плакати айниқса жонли чиққан. Унда коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг иши тасвирланади. «Қишлоқ хўжалик илғорлари—бизнинг машъалларимиз»—рассом А. Бельконовнинг плакати шундай деб аталади. Бу плакатда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқ сўзлаётган вақти тасвир этилган.

Бу йил республикамиз пахтакорлари 600 минг тонна пахтани машиналар билан териб олиш учун курашмоқдалар. Рассом А. Бельконовнинг плакати ана шу олижаноб темага бағишланган бўлиб, унда Турсуной Охунованинг машина рулини дадиллик билан бошқариб бораётганлиги кўрсатилади.

Бундан ташқари пахта нобудгарчилигига қарши кураш, пахтани қоп-қанорсиз ташишга даъват этувчи бир қанча плакатлар бор.

«Машъалларга тенглашинг» сарлавҳаси остида республикамиздаги 27 қишлоқ хўжалик илғорларининг портретлари ва уларнинг иш тажрибаларини акс эттирувчи материаллар берилган.

М. ЗАРИПОВ.

ҲАР КАСБНИНГ ЎЗ ГАШТИ БОР

◆ Карим Шерқўзиев Чиноз районидаги монтёрлар ичида энг ёши, чаққон ва ишчани ҳисобланади. Яқинда Эски Тошкент қишлоғидан 3 километр масофага столба ўрнатиб, сим тортилди. Бу ишга Карим катта ҳисса қўшди. 250 дан ортиқ столба, 5 минг метрдан узун электр сими қисқа вақт ичида монтаж қилиб бўлинди. 4-ГЭСдан қишлоқ марказига ток келтирилиб, 500 дан ортиқ хонадон, 20 га яқин кўча, касалхона, поликлиника, дорихона ва магазинлар чароғон қилинди. Карим қишлоқ аҳолиси хонадонларини электрлаштириш билан бирга, кечаси колхоз радиоузелида навбатчилик ҳам қилади.

И. УРИНБОЕВ.

◆ Шу кунларда киномеханик Владимир Кошибин ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда. Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозида кўчма киноустановка билан кинофильмлар кўрсатаётган ўртоқ В. Кошибин пахтакорлар, шаҳардан чиққан ёрдамчиларга намунали маданий хизмат қилаётир. Киномеханик теримчиларга «Уч юлдуз», «Хавфли рейс», «Дима Горининг мансаби» каби бадиий фильмларни қўйиб берда.

Т. СОЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН—ГДР

Ўзбекистон меҳнаткашлари Германия Демократик Республикасининг миллий байрамини қардош мамлакатнинг заказларини муддатидан олдин бажариш билан нишонламоқдалар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни хабар қилдилар:

Германия Демократик Республикаси Ўзбекистон пахтасининг асосий истемолчиларидан биридир. Янги ҳосилдан немис тўқимачилик корхоналарига ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки тўрт минг тонна юқори сифатли пахта толаси жўнатилди.

Германия Демократик Республикасининг пахта ёғи тайёрлаб бериш ҳақидаги заказн бажарилди. Тез ривожланаётган химия ва радио-электротехника саноати корхоналари маҳсулот етказиб беришни кўпайтирмоқдалар. Экспорт қилувчи корхоналар орасида Чирчиқ электркимё комбинати, «Ташкабель» заводи ва бошқа корхоналар бор. Биринчи марта сентябрь ойида Германия Демократик Республикасига қимматли кимёвий хом ашё — целлюлоза карбоксилметили жўнатилди. Бу маҳсулотнинг яна кўпгина қисмини муддатидан олдин жўнатишга тайёргарлик кўрилмоқда. (ЎзТАГ).

БЕКОБОДДА ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМ

Бекободда йилдан-йилга саноат корхоналари кўпайиб бормоқда. Ҳозирги замон техникаси билан ускуналанган Ўзбекистон металлургия заводи, цемент комбинати, Фарҳод ГЭСи ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводларда инженер-техник ходимлар билан ёнма-ён туриб ишлаётган юзлаб малакали ишчилар ҳам бор. Лекин корхоналарга тобора кўпроқ янги мураккаб асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Ишлаб чиқариш технологияси тинмай такомиллаштирилмоқда. Бу эса ишчилардан ўзларининг техника билимларини оширишни талаб қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб Чирчиқ индустриал техникумининг Бекободдаги филиали мустақил кечки техникумга айлантирилди.

Ҳозир техникумда пўлат эритиш, прокат ишлаб чиқариш, целлюлоза маҳсулотлари технологияси ва электр релеси ихтисослари бўйича очилган 12 та группада шаҳар корхоналарида ишловчи 250 киши таълим олмоқда.

Техникумда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳафиз Ғаниев, Санд Нуриддинов каби илмга иштиёқи зўр ишчи-хизматчилар ўқимоқда.

Техникумда дарс бериш учун шаҳар корхоналарининг энг тажрибали мутахассислари таклиф этилган.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.

ТЎРТ РЕСПУБЛИКА ТОПШИРИҒИ БЎЙИЧА

ОЛМАЛИҚ. Узбекистон рангли металлургиясининг маркази — рангли металлар давлат тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиалида автоматика лабораторияси ташкил қилинди. Лабораторияда ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш, шу мақсадлар учун радиоактив изотопларни қўлланиш бўйича тадқиқотлар бошлаб юборилди.

Янги институт учун катта лаборатория корпуси қурилмоқда. Еш илмий муассаса ходимлари ҳозирданоқ Узбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон корхоналарининг топшириғи бўйича саккизта лабораторияда 26 проблема юзасидан текширишлар олиб бормоқдалар. Шундай қилиб, Олмалиқ бутун Ўрта Осиё рангли металлургиясининг тадқиқот марказига айланади. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида матбуот конференцияси

Республика Қишлоқ хўжалик министрлигида қишлоқ хўжалик темаларида ёзадиган журналистлар учун матбуот конференцияси бўлди. Матбуот конференциясини Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари В. Е. Еременко ва Экономика институтининг директори Х. М. Жалилов журналистларга етти йиллик мобайнида пахтачиликда вужудга келган янгиликлар тўғрисида, пахта йиғим-терининг бориши, пахтани машинада териш усталари ва новаторларининг меҳнат зафарлари тўғрисида гапириб бердилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Журналистлар союзида

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, радио ва телевидение журналистлари КПСС Программаси проектини пропаганда қилишдаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Президиум ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан ишлаш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди ва Тошкентда ишчи мухбирлари шаҳар халқ университетини ташкил этишга қарор қилди. (ЎзТАГ).

ҲОДИСА

ПИОНЕРНИНГ ЖАСОРАТИ

Қундуз соат уч. Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбишев номли колхознинг М. Кулменов бошлиқ бригадаси шийпонида бирдан ғала-ғовур кўтарилди. «Ўт тушди!» «Ёрдам!» деган овозлар эшитилди. Бу кўнгилсиз ҳодиса — ёнғин прицепга пахта ортаётган «У-4» маркали тракторнинг глушителидан чиққан эди.

Нима қилиш керак? Колхозчилар шошиб қолишди. Ўт ўчирувчиларга хабар қилиш учун яқин орада телефон йўқ эди.

Шу пайт 3-синф ўқувчиси Пўлат Хўжамқулов велосипедига миниб пахта тайёрлаш пунктига югуриб кетди. Тезда ўт ўчирувчи машина етиб келиб ёнғинни ўчирди.

Колхозчилар пионер Пўлат Хўжамқуловга пахтани ёнғиндан сақлашда қўшган муҳим ҳиссаси учун катта миннатдорчилик билдиришди.

Ҳ. ҒАНИЕВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган Индонезия ансамбли артистлари гастроли кеча тамом бўлди. Меҳмонларимизнинг тамошаларини Тошкентнинг санъат ишқибозлари зўр қизиқиш билан кўрдилар.

Суратда: машҳур индонез ашулачиси Марнояттa «Бутэ» деган қўшиқни ижро этмоқда. Бу қўшиқ индонез халқининг мустамлакачиларга қарши курашига бағишланган.

С. Нурмуҳамедов фотоси.

Телевизор экранида

8 ОКТЯБРДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».
12.20. Рус тилида «Инглиз тили дарси».
13.00. «Чапаев» — бадиий фильм.
18.30. Болалар учун фильм.
18.50. «Куннинг янгиликлари» киножурнали.
19.30. Телевизион янгиликлар.
19.50. «Тўрт сиҳрли қўнғироқ» — Марказий телевизион студиянинг эшиттириши.
21.00. Эстрада концерти.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Чет элларда нима гап

БМТ Бош Ассамблеясида

НЬЮ-ЙОРК, 6 октябрь. ТАСС мухбири В. Богачев хабар беради: БМТ Бош Ассамблеясининг кеча кундузги ялпи мажлисида умумий сиёсий дискуссия давом этди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан Таиланд ташқи ишлар министри Танат Коман БМТ доирасида «Жаҳонда тинчлик» деган махсус комитет тузишни таклиф этди, бу комитет 5 та доимий аъзодан ҳамда Осиё, Африка, Европа ва Американинг 5 та ёки бундан кўпроқ миқдордаги вакилларидан иборат бўлиши мумкин. Коман ана шу комитет БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ўрнини босиши керак, деган маънода гапирди, унинг сўзига қараганда, Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги вақтда ўз ишида кўпгина «тўсқинликлар»га дуч келаётган эмиш.

Коман «Берлин проблемаси»га тўхталиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу проблемани ҳал этишда қатнашмаётганлиги учун таассуф билдирди.

Шундан сўнг Болгария ташқи ишлар министри Карло Луканов катта нутқ сўзлади.

Болгария делегациясининг бошлиги Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ҳамда Ғарбий Берлинда вужудга келган ғайри нормал аҳволни бартараф қилиш масаласига ўз нутқида батафсил тўхталиб ўтди.

Болгария ҳукумати, деди у, ҳозирги кунда халқаро ҳаётда иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш масаласидан ҳам кўра актуалроқ масала йўқ. Германия Федератив Республикасида бош кўтариб келаётган агрессив герман милитаризми ва реваншизмига ўз вақтида зарба бериш масаласи шу куннинг энг муҳим масаласидир, деб қисоблайди.

Болгария ташқи ишлар министри БМТнинг мазкур сессиясига СССР делегацияси киритган қуролсизланиш тўғрисидаги таклифни астойдил қувватлади.

Луканов Болқон ярим ороли ва Адриатика районини атом қуролидан ҳоли бўлган зонага айлантириши яна ёқлаб чиқди. У, НАТО қуролли кучларининг Болгария чегарасининг бевосита яқинида ўтказган ягвогарлик ҳаракатларини кескин қоралади.

Болгария вакили Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқлари дарҳол тикланишини талаб қилди.

Болгария ташқи ишлар министри империалистик давлатларнинг ўз мустамлакалари гўё «равнақ топганлиги» ҳақидаги риёкорлик билан айтган гапларини ёрқин мисолларда фош қилиб ташлади.

Шундан сўнг Сомали Республикасининг ташқи ишлар министри Иссага сўз берилди. Исса чет эл территорияларида ҳарбий базаларнинг мавжуд бўлиши — халқаро кескинликнинг асосий манбаларидан биридир, деб таъкидлади. У, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида декларация қабул қилинганига қарамай, хусусан Африкадаги миллион-миллион кишилар ҳамон бир ҳовуч аҳнабийларнинг зулми остида қолиб келаётганлигини эслатиб ўтди.

Сомали ташқи ишлар министри Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг вакили йўқлиги натижасида шу ташкилотда вужудга келган ғайри нормал аҳволга делегатларнинг эътиборини қаратиб ўтди.

Совет партия-ҳукумат делегациясиБерлинга келди

БЕРЛИН, 6 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бошлиқ совет партия-ҳукумат делегацияси бугун Берлинга келди. Делегация Германия Демократик Республикасининг 12 йиллигини байрам қилишда қатнашади.

Шенефельд аэродромида А. И. Микоянни ва у билан бирга келган делегация аъзоларини Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт ҳамда Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбар арбоблари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида совет делегациясининг аъзолари — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин, Германиядаги совет қўшинлари группасининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали И. С. Конев бор эди.

А. А. Громико Ж. Кеннеди билан учрашди

ВАШИНГТОН, 7 октябрь. (ТАСС). Кеча маҳаллий вақт билан соат 17 да Оқ уйда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашди. Учрашув вақтида АҚШ давлат секретари Д. Раск ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ҳозир бўлдилар.

А. А. Громико билан Ж. Кеннединг учрашуви икки соат 15 минут давом қилди.

Маълум бўлишича, учрашув вақтида Германия сулҳ шартномасини тузиш масаласи, шунингдек Совет-Америка муносабатларининг бошқа баъзи бир муҳим масалалари муҳокама қилинган.

ВАШИНГТОН, 7 октябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашгандан кейин, кеча кечқурун Нью-Йоркка жўнаб кетди.

СССР КОСМОСНИ ЎЗЛАШТИРИШДА УСТУНЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛМОҚДА

ЖЕНЕВА, 6 октябрь. (ТАСС). Женева газеталари Совет Иттифоқида Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдоши учирилган куннинг тўрт йиллигига катта эътибор бермоқдалар.

«Сюисс» газетаси шу муҳим кунга тўхталиб, совет олимлари Қўшма Штатлар билан фан соҳасидаги мусобақада ўз устунликларини сақлаб қолмоқдалар, деб таъкидлайди. Газета совет фанининг космосни ўзлаштириш соҳасидаги ғалабалари тарихини батафсил баён этиб, Совет Иттифоқининг кейинги 4 йилда эришган ҳамма илмий ютуқларини кўрсатиб ўтади.

Жанубий Кореяда қамоққа олишлар

ПХЕНЬЯН, 6 октябрь. (ТАСС). Жанубий Корея аҳолиси кўчаларда бемалол юролмайди ва ҳеч қачон ўзини хавф-хатарсиз деб ҳис қилмайди.

7 ва 8 сентябрда, деб хабар беради Корея Марказий телеграф агентлиги, Жанубий Корея ҳарбий маъмурлари Пусанда ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган 5.640 гражданни «қатнов тўғрисидаги қарорларни» бузишда айблаб, қамоққа олдилар ва «интизом суди»га бердилар.

Қамоққа олинганлар орасида ҳар хил муассасаларнинг ишга бораётган ёки ишдан уйга қайтиб келаётган ходимлари, мактаб ўқувчилари, шунингдек ишсизлар ва деҳқонлар бор.

Жанубий Кореяда чиқадиган «Пусан ильбо» газетасининг хабар беришича, бундан олдинги куни Пусанда яна 142 киши қамоққа олинган ва «интизом суди»га берилган.

Сеулда икки ой ичида 28.900 киши, асосан, «қатнов тўғрисидаги қарорларни» ҳамда «комендант соати»ни бузишда айбланиб қамоққа олинган.

ХАДДАН ТАШҚАРИ ҚАШШОҚЛИК

ТЕҲРОН, 6 октябрь. (ТАСС). «Азерин» газетаси Эрон бош министри Али Аминийнинг яқинда Эрон Озарбайжонига қилган сафарига тўхталиб ёзадики, шу сафар вақтида Аминий «халқнинг қашшоқлик ҳаёти»ни кўрди. Мамлакатнинг жанубидаги аҳоли, Хузистон ишчилари, Гилан шоликорлари, Сейстон ва Белужистон деҳқонлари ана шундай қашшоқликда кун кечирмоқдалар. «Хуллас, — деб ёзади газета, — мамлакат аҳолисининг Эрон қишлоқларида ва узоқ шаҳарларида яшовчи 75 процентн шундай аҳволга тушиб қолган. Уларнинг ҳаммаси мактаблар, врачлар, дори-дармон йўқлигидан ва, энг муҳими эса, адолат йўқлигидан озми-кўпми шикоят қиладилар. Эрон қишлоқлари ҳувиллаб қолди, деҳқонлар эса шаҳарда нажот изламоқдалар. Улар ҳаддан ташқари қашшоқлик, ғам-ғусса, адолатсизлик ва ишсизлик натижасида бир бурда нон учун ҳар қандай хўрликларни кечиришга тайёрдирлар.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари да

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/X да эрталаб **Олтин калит**, кечқурун **Мазепа**, 10/X да **Марварид қидирувчилар**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/X да эрталаб ва кечқурун **Шубҳа**, 10/X да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/X да **Ғазал фожиаси**, 9/X да **Нурхон**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 11, 12/X да **Катта концертлар**. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Довон — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва 11 яримда), НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Хуш келибсиз — «ВАТАН» (кундуз соат 1, 2 ярим ва 4 да).

Темирчи байроғи — «ВАТАН» (кеч соат 6, 8 ва 9-45 минутда).

Ҳазили йўқ — «МИР» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «ИСКРА» (кундуз).

Оғир соатда — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кечқурун).

Афюн уруши (эрталаб соат 10 ва кундуз 1 яримда), **Шайтон билан ўйнашиш** (кундуз 3-20 ва кеч 6-50 минутда)—НАВОИЙ номли.

Ота уйи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 8 да).

Калта шим кийган киши — «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Қор эртаги — «МИР» (эрталаб соат 10 да).

Хавфли рейс — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

ГРУЗИН ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Агдгомелашвили, Лалашвили, Дадешкелиа-нилар** қатнашади.

Коллективнинг раҳбари—Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Канчели**.

Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади.

Тошкентдаги ЛЕНИН РАЙОН ПИШЧЕТОРГИ сотувчилар тайёрлайдиган

2 ОЙЛИК КУРС

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

7 ва 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар қабул қилинади. Стипендия тўланади.

Привокзальная кўчаси, 32-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (эрталаб соат 9 дан кундуз 1 гача).

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

иситилмайдиган бинолардаги

ВОДОПРОВОД ҚУРИЛМАЛАРИНИ

ва ҳовли водопроводларини 1 ноябргача

СОВУҚДАН САҚЛАШ

чоралари кўришни таклиф қилади.

«Узбекэнерго» қарамоғидаги

„ЭНЕРГОСБИТ"

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДАН

ўзларига топширилган

СЧЁТЛАР ПУЛИНИ

5 КУН ИЧИДА ТЎЛАШНИ

ва қарзларини узишни сўрайди.

Счётлар пули ўз вақтида тўланмаса, электр энергияси бериш оғоқ қилмасдан тўхататилиши мумкин.

Капитал қурилиш бўлимининг бошлиги вазифасига **қурувчи инженер ва хавфсизлик техникаси инженери**

керак

61-272, 61-273, 61-274, 61-275-коммутатор, қўшимча 2-20 телефон орқали кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Уйғур кўчаси, Ранний проезд, 2-уйда турувчи **Карима Эркаевани**нг Қизилтовуш кўчаси, Учобчи проезд, 16-уйда турувчи Дўстон Эркаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Озод кўчаси, Гулзор проезд, 23-уйда турувчи **Инобат Тиллахўжаевани**нг Тошхўжа Тиллахўжаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Флот кўчаси, 9-уйда турувчи **Раиса Борисовна Шейманнинг** Леонид Яковлевич Печуранскийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 8 ОКТЯБРЬ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 29040, 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Адабиёт ва санъат бўлими ва Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 50, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 135. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 13430. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босма хонаси. Тошкент шаҳри Нашр. Б. 1699.